

---

## ФАРГОНАДА ҚУВАЙТ КОМПАНИЯЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоятимизга ташриф буюрган Қувайтнинг “Gulf Care General Trade” ҳамда “Royal Mining Group” компаниялари вакилларини қабул қилди.

Учрашувда тиббиёт ва фармацевтика, энергетика, қурилиш ҳамда тоғ-кон саноати соҳаларида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Самимий қабул учун миннатдорлик билдириган меҳмонлар 2023 йил якунига қадар ҳамда келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган янги лойиҳалар билан таништирдилар.

Хусусан, “Gulf Care General Trade” компанияси томонидан вилоятимизда марказлашган лаборатория, радиология маркази қуриш лойиҳаларини амалга ошириш, эҳтиёжманд оила фарзандларининг мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун қувайтлик шифокорларни вилоятга жалб этиш, шунингдек, вилоятдан саралаб олинган шифокорларни тажриба алмашиш учун Қувайтга юбориш бўйича ишлар режалаштирилаётганлиги маълум қилинди.

Бундан ташқари, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини барпо этиш, Экошаҳар худудидаги қурилиш жараёнларига ўз лойиҳалари билан иштирок этиш ниятида эканликларини билдириган қувайтликлар, тоғ-кончилик соҳасини ривожлантиришда ҳам ҳамкорлик қилиш, ишларни бошлаш кераклиги таъкидланди.

Учрашувда “Gulf Care General Trade” компаниясига Фарғона вилоятида хорижий корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома топширилганлиги ҳам мамнуният билан қайд этилди.

Режалаштирилаётган ишларнинг амалий босқичга кўчаётганлигини мамнуният билан қайд этган вилоят раҳбари, лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилишида ҳар томонлама кўмак берилишини билдириди.

Билдирилган аниқ таклифлар бўйича “Йўл ҳаритаси” ишлаб чиқилиши ва ҳамкорлик йўналишлари бўйича биргаликда иш ташкил этишга келишиб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-08-21 19:44:36